



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 12 июль, № 135 (5809)

Жума

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 июль куни Оқсаройда Покистон Ислам Республикаси ва Корея Республикасининг мамлакатимиздаги фавқуллода ва мухтор элчилари этиб тайинланган Риаз Хусайн Бухари ва Ли Ук Хёндан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари дипломатларни юксак ва масъулиятли лавозимга тайинлангани ва фаолият бошлагани билан қўтлаб, Ўзбекистон мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида Покистон ва Жанубий Корея билан ҳамкорликни изчил ва жадал ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият беришини таъкидлади.

Покистон элчиси билан суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар истиқболи, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Покистон халқларининг савдо-сотиқ ва маданий алоқалар борасидаги кўп асрлик таърихи ҳамкорлиги янада мустақамлашнинг муҳим асоси экани таъкидланди.

Айни пайтда мамлакатларимиз халқро ташкилотлар доирасида ҳам фаол ҳамкорликни йўлга қўйган.

Риаз Хусайн Бухари Покистон ва Ўзбекистон манфаатлари йўлида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни мустақамлашни ўз миссиясининг асосий мақсади деб билишини қайд этди.

Корея Республикаси элчиси билан суҳбат асносида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин ўтган 20 йилдан ортиқ вақт давомида кўп қиррали ва изчил ривожланаётган давлатлараро алоқалар

қарор топгани, мустақам шартномавий-ҳуқуқий асос яратилгани таъкидланди.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик ташқи савдо шерикларида биридир. 2012 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,14 миллиард АҚШ долларига етди.

Корея Республикасининг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 6 миллиард доллардан ошди. Айни пайтда иқтисодиётнинг турли тармоқларида қатор қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Устурт газ-кимё мажмуи шулар жумласидандир.

Жанубий Корея ишбилармон доиралари "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамда "Ангрен" махсус индустриал зонасида замонавий ва юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишда, "Навоий" аэропорти негизидagi қитъалараро интермодал логистика марказидан фойдаланишда иштирок этмоқда.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Ли Ук Хён Корея Республикаси раҳбарияти топшириғига биноан, Жанубий Корея ҳукумати Ўзбекистон билан стратегик шериклик алоқаларини ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосида бундан буён ҳам изчил ривожлантириб боравериш тарафдори эканини қайд этди.

(ЎЗА).

## Илғор технологиялар, рақобатбардош маҳсулотлар



Мамлакатимизда автомобилсозлик саноатининг жадал тараққий этиши билан экологияга зиёни кам ҳамда тежамкор транспорт воситаларига талаб тобора ортиб бормоқда. Натижада кўпчилик иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган табиий газ ёнилғисидан фойдаланишни афзал кўраётди. Бу эса, ўз навбатида, автомобиллар учун газ баллонлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари ташкил этилишига асос бўлаёпти.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Наманган шаҳридаги "Махсус металл саноат" масъулияти чекланган жамияти фаолияти ҳам ана шу йўналишга ихтисослаштирилган. Айни пайтда бу ерда Германиядан кел-

тирилган сўнгги русумдаги технологик усуналар ёрдамида 10 турдаги газ баллонлари тайёрланиб, ички бозорга чиқарилмоқда.

— Ишчи-мутахассисларимиз

мураккаб технологик жараёнларни муваффақиятли ўзлаштиришди, — дейди жамият раҳбари Азизбек Эгамбердиев. — Ишчимизнинг ўзига хослиги шундаки, хом ашё тайёр ма-

сулотга айлангунча 43 та жараёндан ўтади, унинг 14 таси синов тадбирларидан иборат бўлиб, алоҳида масъулият ва тажриба талаб қилади. Йиғитларимиз, асосан, автоматлаш-

тирилган дастгоҳлар ва компьютерлар зиммасига юкланган бу вазифаларни жуда яхши ууддалашаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## АКТ ва «Электрон ҳукумат» тизими

Навоий шаҳрида вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси ҳамкорлигида йиғилиш бўлиб ўтди.

### ТАДБИР

Тадбирда Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривож-

лантириш тўғрисида"ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда бу борада Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривож-

вазифалар муҳокама этилди. Шунингдек, иштирокчилар 2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси алоқа инфратузилмаси ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш дастури ҳамда "Электрон ҳукумат" тизими доирасида комплекс ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини яратиш чора-тадбирлари режа-

си билан ҳам яқиндан та-ништирилди.

Йиғилишда жаҳонда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида етакчилик қилиб келаётган Жанубий кореялик мутахассислар ўз маърузалари билан қатнашди.

Тадбирда вилоят ҳокими Э. Турдимов иштирок этди.

Азамат ЗАРИПОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЭЪТИРОФ

Яқинда Малайзиянинг Селангор штати маъмурий маркази — Шах Аллам шаҳрида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва савдо-саноат салохиятига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг Малайзиядаги дипломатия миссияси ҳамда Селангор штатини ривожлантириш Корпорацияси ҳамкорлигида ташкил қилинди.

## Малайзиялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортмоқда

Тақдиротда асосий эътибор юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг самараси — тараққийнинг "Ўзбек модели"га хос бўлган асосий йўналишлар ва бу борада эришилган ютуқларга қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши йилдан-йилга ортиб бораётгани эътироф этилди.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналари ҳамда улар жойлашган минтақаларнинг минерал-хом ашё базаси ҳамда инфратузилмаси ҳақидаги батафсил маълумотлар тадбир қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Улар, шунингдек, мазкур ҳудудларда хоржий сармоядорлар учун яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар ва преференциялар, электроника, маиший буюмлар, тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш моллари ва автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш бўйича сармоявий тақлифлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

(Давоми 2-бетда).

## хабарлар

### Саноат учун ноёб хом ашё

■ Чирокчи туманидаги "Чирокчи-Кварц" корхонасида кварцит ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маълумки, ушбу хом ашёдан 2 минг даража ҳароратга чидамли қўлиплар ҳамда кўёш батареялари учун электрон ўтказгичлар тайёрлашда кенг фойдаланилади. Айни пайтда Лангар тоғидан қазиб олинган мазкур хом ашёни қайта ишлаш натижасида ундан 4 хилдаги кварцит маҳсулотлари тайёрланаёпти.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган яна бир ноёб қурилиш хом ашёси — дала шпати ҳам талаб катта, — дейди корхона раҳбари Абдулазиз Холиқов. — У керамика ва чинни буюмлари, ўт ҳамда ишқорга чидамли гишт ишлаб чиқариш, ичимлик сувини тозалашда қўлланилади. Маҳсулотларимиз, асосан, "Пенг-шенг" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси, Тошкент қурилиш моллари комбинати каби бир қатор буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Қолаверса, қўшни давлатлардаги ҳамкорларимиз билан ҳам шартномалар имзоляяпмиз. Айни пайтда жамоамизда меҳнат қилаётган 50 нафардан зиёд ишчи-мутахассиснинг 10 нафари касб-хунар коллежини битирган ёшлардир.

Эътиборлиси, келгусида туманда ушбу хом ашё асосида ишлайдиган йирик чинни заводини барпо этиш ҳам режалаштирилган.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Бугунги кунда Данғара туманида 10 та экспортчи корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 8 таси чет эллик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган.

### Экспортчи корхоналар

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Мусавар-Текс" қўшма корхонаси — шулардан бири. Мазкур ишлаб чиқариш субъекти бундан икки йил аввал фаолият бошлаган эди. Дастлаб бу ерда 24 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозир жамоа аъзолари сони 100 нафардан ошиб кетди. Эътиборлиси, жамиятнинг рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларига Европа давлатларидан ҳам буюртмалар келиб тушяёпти. Жумладан, жорий йилнинг ўтган олти ойида бу ерда 600 минг АҚШ долларлик экспорт амалиётлари бажарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 58 фоиз юқори кўрсаткичдир.

Набижон СОБИРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Самарқанд вилояти марказидан 100 километр олинса жойлашган Қўшработ тумани қишлоқларида пишиқ гишдан барпо этилаётган кўркам бино ва иншоотлар тобора кўпаймоқда.

### Икки лойиҳа самараси

Гап шундаки, илғори қўшработчиликлар ушбу қурилиш маҳсулотини қўшни туманлардан келтиришарди. Худудда кейинги уч йилда 2 та гишт заводи ташкил этилиши билан бу муаммо ўз ечимини топди. Хусусан, яқинда тадбиркор Усмон Ниҳо-

лов ташаббуси билан Саксончел қишлоғида "Қўшработ қурилиш таъмир" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилгач, бу ерда бир кеча-кундузда 30 минг дона пишиқ гишт ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Айни пайтда жамиятда

30 нафар маҳаллий ишчи-мутахассис меҳнат қилмоқда.

Корхона мутасаддиларининг таъкидлашича, келгусида корхона қошида шлакоблок ҳамда оҳак тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади.

Мамаднёр ЗИЁДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Хонобод шаҳридаги "Хонобод зий камоли" хусусий корхонаси нон ва қандолат маҳсулотларини савдога чиқарди.

### Дастурхон зийнати

Лойиҳа рўёби учун 70 миллион сўм сармоя сарфланди. Ҳозир корхона жамоаси кунига 400 килограмм ундан нон маҳсулотлари ҳамда турли ширинликлар тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

Умуман, жорий йилнинг иккинчи чорагида шаҳарда 28 та шундай ишчи-корхона ташкил қилинди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР  
РАҚАМ  
ШАРҲИ

2013 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда молия хизматлари ҳажми  
**15,9** фоизга ошди.

Молия хизматлари ва истиқбол  
2013 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда молия хизматлари ҳажми  
Микро ва истеъмол кредитлар ажратишни ривожлантириш, замонавий халқаро стандартлар ва технологиялардан фойдаланган ҳолда тўлов тизимини такомиллаштириш, молия инфратузилмаси институтларини ривожлантиришга доир амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

# Малайзиялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортмоқда

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

**Селангор штатини ривожлантириш Корпорацияси директори Арифин Ҳасан** тақдимотдан ортирган таассуротларини ўртоқлашар экан, мазкур тадбир боис Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳияти ҳақида кенг маълумотларга эга бўлганини айтди. У мамлакатимизнинг илмий салоҳияти ва хорижий сармоядорлар учун яратилаётган шароитларга юқори баҳо бергани баробарида, малайзиялик тадбиркорлар Ўзбекистоннинг истиқболли лойиҳалари билан яқиндан танишиб боришлари учун бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш мақсада мувофиқ эканлигини қайд этди.

Арифин Ҳасан ўзбек тадбиркорлари билан ўзаро алоқалар ўрнатти, сайёҳлик, меҳмон-

хона бизнеси, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш ва тўқимачилик соҳаларидаги сармоявий имкониятлар билан янада яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистонга сафар уюштириш ниятида эканлигини ҳам маълум қилди.

**QSiT компаниялар гуруҳининг ижрочи директори Че Сам-мудин Бин Абдулла** Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маънавий мероси, унинг бетакрор тарихий обидалари ҳамда гўзал табииати ҳақидаги маълумотлар ўзидан катта қизиқиш уйғотганини қайд этди.

— Бизнинг гуруҳимиз фаолияти лойиҳалаштириш, қурилиш, ахборот технологиялари, фармацевтика ва тўқимачилик сингари соҳаларни қамраб олган, — деди у. — Дарҳақиқат, Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилаётган

қулай шарт-шароитлар мамлакатларимиз тадбиркорлари ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришга имконият беради.

**Progressive Mastery Sdn. Bhd сайёҳлик компаниясининг директори Муҳаммад Иброҳим** Ўзбекистон юқори қўшимча қийматли махсулотлар ишлаб чиқариши йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун катта илмий, технологик ва кадрлар салоҳиятига эга эканлигини айтди. "Малайзиялик тадбиркорларнинг мамлакатингизга сармоя киритишлари учун қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва сайёҳлик жабҳалари энг истиқболли соҳалар сирасига қиради", деди М. Иброҳим.

«Жаҳон» АА.

## МАРДЛАР ҚҶРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

Миллий армиямиз сафларини ҳар томонлама етук офицер кадрлар билан таъминлаш Қуролли Кучларимиз тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Шу боис ҳам мамлакатимиздаги олий ҳарбий таълим муассасаларига қабул жараёнида мазкур соҳага қизиққан, иштиёқи банд ёшларнинг дунёқараши, билими, интеллектуал салоҳияти тест асосида жиддий синовдан ўтказилади. Унда муваффақиятга эришганлар эса бугун ҳар бир йигитнинг орузи бўлмиш ша-рафли касб — офицерлик сари қадам ташлайди.

Анъанага мувофиқ, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам давлат тест синовлари бўлиб ўтди.

# Бурчга садоқат, касбга иштиёқ

— Болалигимдан ҳарбий соҳага қизиқман, — дейди Андижон вилоятидан келган Эркинжон Султонов. — Шу боис ҳам мазкур олий ҳарбий таълим муассасасига ҳужжат топширдим. Билимимга ишонман. Насиб этса, синовдан муваффақиятли ўтиб, Қуролли Кучларимиз сафида Ватанимизга муносиб хизмат қиламан.

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам ўқув жараёнида тақдимотларини, унинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Курсантлар учун ҳавас қилгулик шарт-шароитлар яратилди. Бугунги кунга келиб, мазкур таълим муассасаси ҳаётини ҳарбий соҳа билан боғлашга аҳд қилган йигит-

ларни масъулиятли ва шарафли касбга йўналтирувчи етакчи билим даргоҳларидан бирига айланди.

Давлат тест синовлари, шу-

Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Илғор технологиялар, рақобатбардош махсулотлар



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Дарҳақиқат, корхонада барча жараёнлар тўлиқ назоратга олинган. Махсус лаборатория томонидан махсулотларни ультратовушли, пневматик филтрирали ва техник синовдан ўтказиш қатъий йўлга қўйилган. Натияжада тайёрланаётган баллонлар сифати меъёрий ҳужжатларга тўла мос келишига эришилмоқда. Бу эса корхона махсулотла-

ри камида 15 йилга кафолатланади, деганидир.

"Махсус металл саноат"нинг 65 нафардан иборат меҳнат жамоаси ўтган қисқа вақт ичида 10 минг донадан ортиқ махсулот тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб берди. Ҳозир эса қувватлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, лойиҳанинг кейинги босқичи — кислород баллонлари, пропан газини мўлжалланган баллонлар ва автомобил-

ларга ёнилги қуйиш шохобчалари учун юқори босимли идишлар ишлаб чиқариши жорий этишга киришилган. Бу корхона салоҳиятини янада юксалтириш баробарида, истеъмолчиларнинг шу турдаги махсулотларга бўлган эhtiёжини тўлиқ қондиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

## Меҳнат ярмаркаси

Денов шаҳрида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ниҳоясига етди. Унда ҳудуддаги 151 хўжалик юртувчи субъект 650 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

### БАНДЛИК

Хусусан, тадбирда тумандаги касб-хуна-

рлардан битирувчилардан 70 нафари бўлажак меҳнат жамоалари билан шартнома

имзолади. Шунингдек, 55 нафар фуқарога ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиши учун

йўлланмалар берилди. Этиборлиси, туманда жорий йилнинг олти ойида 36 бор ана шундай меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, натижада 2351 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Устюрт газ-кимё мажмуасининг қурилиши «ING Group» нигоҳида

Маълумки, "ING Group" халқаро молия корпорацияси "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси, Жанубий Кореянинг "Kogas", "Lotte Petrochemicals" компаниялари ва "Uz-Kor Chemicals" қўшма корхонаси консорциуми ўртасида Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишини узоқ муддатли лойиҳавий молиялаштириш бўйича олиб борилаётган ҳамкорликка бағишланган дунё миқёсидаги реклама кампаниясини амалга оширмоқда.

Илгари хабар берилганидек, "Reuter Thompson" жаҳондаги етакчи ахборот агентлигининг нуфузли халқаро наشري — "Project Finance International" Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидида 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этган эди.

Сурғил лойиҳасининг молиявий маслаҳатчиси ҳисобланадиган "ING Group" корпорацияси ҳозирги вақтда Европа бўйлаб видеоланглар тарқатмоқда, аэропортларда баннерлар ўрнатаётди, ишбилармонларнинг матбаа нашрларида рекламалар эълон қилаётгани ҳолда, корпорация ўзининг веб-саҳифасида мазкур лойиҳа тўғрисидаги маълумотлар ҳамда Ўзбекистон ва Жанубий Корея вакиллари билан суҳбатлар жойлаштирилган махсус бўлими ҳам очган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки,

Устюрт газ-кимё мажмуасининг қурилиши нафақат Ўзбекистон, балки бутун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудуди газ-кимё жабҳасидаги энг йирик лойиҳа саналади.

Лойиҳанинг технология қисми "Samsung Engineering" компанияси ва "УЗЛИТНефтгаз" институти томонидан ишлаб чиқилган.

Мажмуа 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради. Корхона махсулотларининг асосий қисми Европа, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё бозорларида сотилади. Бундан ташқари, Сурғил лойиҳасининг амалга оширилиши иншоот қурилиши даврида беш мингдан ортиқ ва мажмуанинг ўзида мингга яқин иш ўринлари яратиш имконини беради.

«Жаҳон» АА. Лондон

## интилиш

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида бажарилаётган ишлар Бухоро туманидаги корхоналар экспорт салоҳиятини ошишига олиб келмоқда.

## Хуштаъм шарбатлар

Чунончи, тумандаги узумни қайта ишлашга ихтисослаштирилган "Бухоро-Ҳамрия" қўшма корхонаси жорий йилнинг ўтган даврида 560 минг АҚШ долларини миқдоридида махсулотни хорижга сотди. Айни пайтда бу ерда модернизацциялаш ишлари амалга оширилмоқда. Қиймати 250 минг АҚШ долларлик бизнес лойиҳани ҳаётга татбиқ қилиш эъзасига замонавий технология ускуналар билан жиҳозланган янги цех барпо этилапти. Бу эса корхона ишлаб чиқариш қувватини сезиларли даражада ошириб, йилга салкам бир миллион долларлик узум шарбатини хорижлик буюртмачиларга етказиш имконини беради.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Коллеж битирувчиси — эртанинг яратувчиси

Бугун Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида касб-хунардан олиб олишлари учун имконият яратиб берилмоқда.

Хусусан, Хоразм вилоятида ҳам бу борада қатор ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Вилоят йигит-қизлари коллеждан тўғри ишлаб чиқариш корхоналарига йўл олишлари учун имконият яратиб берилмоқда.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

Ҳозир вилоятдаги мавжуд 91 та лицей ва коллежларда ёшларга 116 та мутахассислик бўйича таълим-тарбия бериб келинмоқда. 2011/2012 ўқув йилида академик лицей ва касб-хунардан битирувчиларнинг 30356 битирувчиси билан 27962 нафарнинг бандлиги таъминланди. Уларнинг 43,3 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди. 741 нафар битирувчи олий таълим муассасаларига қабул қилинди. 972 нафар битирувчига 3 миллион 231 миллион сўмлик имтиёзли банк кредити ажратилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига шароит яратилди. Бунда вилоятдаги ўқув масканла-

рининг 3 минг 400 дан ортиқ корхона ва таълим муассасалари ҳам таълим-тарбия бериб келинмоқда. Фермер хўжаликлари билан маълум қадар таълим-тарбия бериб келинмоқда. Коллеж битирувчилари "Хоразм электр тармоқлари" ОАЖ, "Ўзтех Шовот" корхонаси, "Хоразм-Феруз" МЧЖ каби 297 та йирик корхонада ўқув-ишлаб чиқариш амалиётлари ўтаганини, вилоятда мавжуд 19 та қишлоқ хўжалик касб-хунардан битирувчиларнинг бевосита ишлаб чиқариш жойларида амалиёт ўташлари белгилаб қўйилганини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Корхоналарда "Устоз — шогирд" анъанасининг қўлланма бўлиши ҳам ёшларда ўз мутахассисликларини бўйича кенг амалий кўникмаларни шакллантиришда жуда кўл келмоқда. Ана шундай самарали ҳамкорлик натижада корхона ва иш берувчилар ўртасида "корхона — коллеж — битирувчи" алоқалари тобора мустаҳкамланапти.

Жорий йилда вилоятдаги 6 та академик лицей ва 85 та коллежини 29447 нафар ўқувчи битириб, 68 мутахассисликка эга бўлди. Ҳозир 13270 та корхона-ташкилот ва коллежлар билан уч томонлама шериклик шартномалари имзоланган. Бу билан битирувчиларнинг тўлиқ бандлиги-

ни таъминлашга эришилмоқда.

Вилоят худудларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган коллеж битирувчиларига бандлик томонидан кўрсатилган хизматлар, кредит, микрокредит, микролизинг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий бизнес ва хунарданчилик фаолияти субъектларига кредитлар ажратиш тартиблари ва бошқа кўламли тўшунтириш ишлари олиб борилапти. Битирувчиларнинг тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида ҳар бир касб-хунардан коллежда "Еш тадбиркорлар" бурчаги ташкил этилиб, ойда икки маротаба амалий семинарлар, очик мулоқотлар ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Касб-хунардан битирувчиларнинг таълим ва истақларини инобатга олган ҳолда, улар-

га 4,2 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратиш мўлжалланган. Ҳозирги кунга қадар қарийб 500 нафар битирувчига 2 миллиард 929 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар берилди.

Жорий йилда турли ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларини ошириш, кичик бизнес ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини тараққий эттириш, ижтимоий бозор инфратузилмасини юксалтириш, касаначиликни кенгайтириш ва бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш ҳисобига 60 мингта иш ўрни яратилади.

Бу эса, ўз навбатида, муқим иш ўрнига эга, истиқболдан кўнгли тўқ бугунги коллеж битирувчилари эртага бунёдкорлик, яратувчанлик ишларига бошқоқ бўлиши, жамиятимизнинг фидойи аъзоларига айланишлари кафолатидир.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Қисқа сатрларда

● Жиззах вилоятининг барча туманларида Президентимизнинг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори асосида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

● Хива шаҳридаги Мурувват уйда Хоразм вилояти ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида хайрия тадбири ўтказилди. Унда муассаса тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларига совғалар топширилди. Эстрада хонандалари ва "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали ғолибларининг Ватан, мустақиллик ва ёшлик тарафдорлиги кўйиш мурғак дилларга бир олам қувонч улашди.

● Тошкент вилояти адлия бошқармасида хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган конференция ўтказилди. Тадбирда назорат қилувчи органлар томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда ноконуний текширишларга йўл қўймаслик, хорижий корхоналарни рўйхатдан ўтказиш, хўжалик судларига даъво аризалари киритиш тартиблари, инвестициявий дастурлар самаралари юзасидан иштирокчиларнинг саволларига атрафлича жавоб қайтарилди.

● Самарқанд давлат чет тиллар институти битирган бакалавр ва магистрларга диплом топширилди. Уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида вилоятдаги олий, ўрта махсус, касб-хунардан таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, туризм ва сервис шохобчалари, қўшма корхоналар билан шартномалар имзоланган.

● Андижон туманидаги Оқёр қишлоғининг Истиқлол маҳалласида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли "Тез ёрдам" бўлимининг янги шохобчаси ташкил этилди.

Айтиш жоизки, мазкур маҳаллада яшовчиларнинг аксарияти намунавий лойиҳалар асосида қурилган тураржойлар эгаларидир. Шу кунгача бу ерда савдо, сервис хизмати шохобчалари, иккита мини-футбол майдони ва бошқа инфратузилма иншоотлари қурилиб, аҳоли ихтиёрига топширилган. Эндилдиқда янги тиббиёт шохобчаси иш бошлаши билан одамлар узоғи яқин бўлмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Спорт • Sport • Спорт

Қозон шаҳрида ўтказилаётган XXVII Жаҳон универсиадада мамлакатимиз шарафини химоя қилаётган спортчиларимиз совриндорлар сафидан жой олиб, юксак истеъод ва маҳорат соҳиби эканликларини намойиш этмоқдалар.

Юртдошларимиз совриндорлар сафида



Жумладан, нуфузли мусобақанинг бокс баҳсларида бир йўла беш нафар вакилимиз финал жанглирида иштирок этди. Мурасасиз кечган беллашуларда иқтидорли ёш боксчиларимиз Ҳасанбой Дўсма-тов 49 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида олтин медални қўлга киритди. Бунга эришиш учун Андижон давлат университетини талабаси саналган Ҳасанбой озарбайжонлик Араз Имамакиев, тожикистонлик Файзмамад Малахбеков, мўғулистонлик Ган-Эрдене Ганкуяг ва Жанубий Корея вакили Инкю Кимни енгди. Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, ушбу вазн тоифасида бокс жадал ривожланиб бораётган ўн икки мамлакат вакиллари голиблик учун курашди.

Мусобақада оғир атлетикачиларимиз ҳам муваффақият-ли қатнашмоқдалар. Буни эркаклар ўртасида Улугбек Алимовнинг ўрмуш, хотин-қизлар орасида Манзураҳон Мамасолиеванинг бронза медалига сазовор бўлгани ҳам кўрсатиб турибди.

Шу тариқа ҳамюртларимиз айни пайтгача бўлган беллашуларда битта олтин, етти та кумуш ва саккизта бронза, жами 16 та медал жамғарган ҳолда 170 га яқин давлат вакиллари орасида медаллар сони бўйича олтинчи ўринни эгаллаб туришибди.

Кеча Жаҳон универсиада-сида эркин кураш бўйича баҳслар бўлиб ўтди. Унда Умиджон Исмаилов ва Ихтиёр Наврўзов медаллар учун гиламга чиқди.

Мазкур спорт тури

Ярим финалчилар аниқланди

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони "Пахтакор" клуби чорак финал босқичида "Гулистон" жамоасига қарши баҳс олиб борди.

Ушбу жуфтлик ўртасидаги Гулистонда бўлиб ўтган ўйинда пойтахтликлар 1:3 ҳисобида ғалаба қозонган эдилар. Тошкентдаги баҳсда эса майдон эгалари рақиб дарвозасига тўртта жавобсиз тўп киритдилар.

Тошкентда "Бунёдкор"га қарши биринчи учрашувда 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаб, ярим финалга чиқишга яқин турган биринчи лиганинг "Машъал" жамоаси ўз майдонида рақибига 0:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди.

Ўтган йилги чемпионатда бронза медалини қўлга киритган Тошкентнинг "Локомотив"

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги ярим финалига йўлланма олган жамоалар номи маълум бўлди.

жамоаси ярим финал йўлланмасига эга бўлиш учун Зарафшоннинг "Кизилқум" клубига қарши баҳс олиб борди. Қайд этиш жоизки, чорак финалдаги ушбу жуфтлик ўртасидаги ўйин ўта мурасасиз кечди. Яқинда икки учрашув натижасига кўра, 2:1 ҳисобида устун келган "темир йўлчилар" кубок учун курашни давом эттирадиган бўлдилар.

Олдинроқ Қаршининг "Насаф" клуби Фарғонанинг "Нефтчи" жамоасини ҳар икки ўйинда ҳам мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўл олган эди.

Демак, финал йўлланмаси учун кечадагидан беллашуларда "Пахтакор" "Насаф"га, "Бунёдкор" эса "Локомотив"га қарши баҳс олиб боради.

Теннисчиларимиз ғалабаси

Пойтахтимизда теннис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида "НБУ Сир – 2013" халқаро турнири ўтказилди.

Халқаро теннис федерацияси (ITF) тақвимига кирувчи мазкур мусобақада вакилларимиздан ташқари, АҚШ, Буюк Британия, Испания, Сербия, Ҳиндистон, Латвия, Грузия, Россия, Қозғистон ва Қирғизистондан келган ёш ракетка усталари акжаллик ҳамда жуфтлик беллашуларида кураш олиб бордилар.

Қизқарли ва мурасасиз кечган баҳслар якунида ўсмирлар ўртасида Жўрабек Қаримов, қизлар орасида эса Арина Фольц бош совринни қўлга киритди.

Жўрабек финалда турнирнинг ўтган йилги голиби Асвин Лизен (Буюк Британия)ни 4:6, 6:3, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Истеъодли теннисчимиз қозғистонлик Сагадат Аяп билан жуфтликлар баҳсида Темури Исмоилов (Ўзбекистон) ва Қосимбек Акжаренов (Қозғистон) тандеми устидан ҳам зафар қўчди.

Қизлар ўртасида ёш теннисчимиз Арина Фольц эса финалда АҚШ вакили Айна Аксудан устун келди. Арина Айна билан бирга жуфтлик мусобақаларида ҳам муваффақиятга эришди.

Фозлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

XALQ BANKI

Мамлакатимиз молия-банк тизимида Давлат-тижорат Халқ банкининг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, кейинги йилларда мазкур молия муассасаси томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб, миқозлар тўлов ишлаш тажрибаси тобора яхшиланиб бораётгани унинг нуфузи ва мавқеини оширмоқда.

Миқозлар учун яна бир қулайлик



маълумотлар тақдим этилиб, маслаҳатлар ҳам берилади.

— Халқ банки томонидан аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ташкил қилинган ана шу марказ фаолиятдан аҳолининг барча қатлами мамнун, — дейди Урганч шаҳар ҳокими ўринбосари Саломат Эржонов. — Чунки бу ерда аҳоли ва миқозларга намунали ҳамда тезкор банк хизматлари кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу эса молия муассасаси ва аҳоли ўртасидаги муносабатларни янада мустақамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юрти-мизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар замирида, аввало, инсон манфаати, унинг фаровон турмуш кечиришини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам. Бу жараён, табиийки, ҳар бир қорхона ва ташкилот зиммасига катта масъулият юклаб, уни ташаббускорлик билан ишлашга ундамоқда. Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси ҳам ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, республикамизда олиб борилаётган ислохотларда фаол иштирок этаяпти. Янгиликлар сари интилиб, тизим ривожига ўзининг муносиби улушини қўшапти.

Банкнинг Хоразм вилояти филиали яқинда яна бир янгиликка қўл урди. Гап шундаки, ушбу филиал томонидан Урганч шаҳрининг ал-Хоразмий кўчасида "Чакана банк хизматлари маркази" фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур марказда нафақат миқозларга замонавий ва янги банк хизматлари кўрсатилади, балки аҳолига кредитлар ажратиш, республикамиз молия-банк тизимида юз бераётган ўзгаришлар, имтиёз ва имкониятлар хусусида

Замонавий бинода жойлашган "Чакана банк хизматлари маркази" зарур ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Ҳозир бу ерда аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш, халқаро пул ўтказмалари шохбчалари ишлаб турибди. "UzPaynet", пластик картчаларга маблағларни юклаш ва аҳолига истеъмол кредитлари ажратиш каби хизматлар кўрсатилапти.

Халқ банкининг Хоразм вилояти филиали томонидан рўёбга чиқарилган янги лойиҳанинг кейинги босқичларида барча туманларда шундай марказлар ташкил этилади. Банк матбуот хизмати.

Қўшиқларда Ватан мадҳи

Ўрта Чирчиқ туманидаги Маънавият ва маърифат марказида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

ТАНЛОВ

"Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида уш-

тирилган танловда туман ва шаҳар босқичларида сараланган 70 нафар ижрочи ўзининг

она-юрт, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларни тараннум этилган кўшиқлари билан қатнашди.

Яқинда вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси қошидаги "Шош наволари" ашула ва ракс ансамбли хонандаси Фахриддин Турсунов ҳамда

Олмалик шаҳрилик ёш истеъдод эгаси Феруза Абдуллаева танлов голиблигини қўлга киритиб, республика босқичига йўлланма олди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг дипломи ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

«Universal Auktions Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

- 2013 йил 29 июль куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Қорақалпоғистон Республикаси, Тахтақўл тумани, ЖИБ судининг 2012 йил 12 июндаги 618, 623, 624, 626, 627, 628, 629, 636, 638-сонли ва 2013 йил 9 апрелдаги ижро варақаларига асосан, КеҒейли ва Тахтақўл тумани СИБ томонидан хатланган, КеҒейли тумани, «Халқбад мамыг» АЖда вақтинча сақланаётган, қўйидаги қишлоқ хўжалик техникаси ва автотранспорт воситалари кўйилмоқда:
- «СЗУ-3.6» русумли дон севялкаси, бошланғич баҳоси — 2340 090 сўм;
- «BT-150» русумли трактор, бошланғич баҳоси — 21 260 556 сўм;
- 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 05-68 ЕҒ бўлган «Клаас Доминатор-204» русумли комбайн, бошланғич баҳоси — 43 740 000 сўм;
- Пахта севялкаси, бошланғич баҳоси — 1 317 303 сўм;
- «OKM» русумли культиватор, бошланғич баҳоси — 2 143 260 сўм;
- «ДЭЛ» русумли ғалла ўриш ускунаси, бошланғич баҳоси — 2 340 090 сўм;
- «PMI» русумли ускуна, бошланғич баҳоси — 972 486 сўм;
- «ОБХ» русумли ускуна, бошланғич баҳоси — 3 580 848 сўм;
- КеҒейли тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23 Е 8047 бўлган «ВАЗ-2121» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 3 280 500 сўм;
- Тахтақўл тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 Р 170 АА бўлган «ГБА НЕКСИЯ СНГ» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 20 250 000 сўм.

— 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/199НАА бўлган «МАЗ-54329» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 25 932 280 сўм.

Қорақалпоғистон Республикаси, Қонликўл тумани ЖИБ судининг 2013 йил 20 февралдаги 1-276/2013 ижро варақасига асосан, Шуманай тумани, СИБ томонидан хатланган, Шуманай тумани, «Ак-жап» ОФИда вақтинча сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 F 858 АА бўлган «ГБА НЕКСИЯ СНГ» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 20 412 000 сўм.

Юқоридаги қишлоқ хўжалик техникалари ва автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдоларда сотилмай қолган тақдирда, 2013 йил 13 август куни соат 15.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига такроран қўйилади.

2013 йил 13 август куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Шуманай тумани ЖИБ судининг 2011 йил 10 августдаги 1-64/11 ижро варақасига асосан, Беруний тумани СИБ томонидан хатланган, Беруний тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 Р 414 АА бўлган «ЛАСЕТТИ ВДС С/К» русумли автотранспорт воситаси кўйилмоқда, бошланғич баҳоси — 26 600 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситаси ушбу кундаги савдоларда сотилмай қолган тақдирда, 2013 йил 28 август куни соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран қўйилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин, яъни 29 июлда бўладиган савдолар учун 26 июль куни, 13 августда бўладиган савдолар учун 12 август куни, 28 августда бўладиган савдолар учун 27 август куни соат 15.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktions Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТ «Туронбанк» Нукс филиалидаги МФО:00585, СТИР:302083379, 20208000504932168029 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари шарт: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнасса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Олий судининг 2012 йил 27 ноябрдаги 328-О/Х-12, 329-О/Х-12, 330-О/Х-12, 332-О/Х-12-сонли ижро варақаларига асосан, Хўжайли тумани СИБ томонидан хатланган, Хўжайли тумани, «Сарышўнгўл» ОФИда вақтинча сақланаётган:
- 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами НЕ 56-65 бўлган «Беларусь 80х» русумли трактор, бошланғич баҳоси — 23 580 016 сўм;
- 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами НЕ 56-80 бўлган «Беларусь 82.1» русумли трактор, бошланғич баҳоси — 28 295 698 сўм;
- 2011 йилда Хитойда ишлаб чиқарилган давлат рақами НЕ 56-81 бўлган «ХСМГ» русумли юклагич, бошланғич баҳоси — 104 976 000 сўм;

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун аризаларни топшириш ва қўшимча маълумотлар олиш учун қўйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Нукс шаҳри, Амир Темури шоҳжўчаси, 122-уй, 2-қават, 17-хона. Телефон (8-361) 222-11-73.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Миҳурин дала ховличлари» ҳудудида жойлашган пешайвон (терраса), ертўла, айвон, шийпон (беседка), бассейн ва ёғзи ошоналаридан иборат 67-сонли дала-ҳовли такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 140 887 675 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 31 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 29 июль куни соат 18.00 гача. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52, www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)
СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.
ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.
Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.
Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.
ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75, қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.
МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдоларда Бухоро шаҳри СИБ томонидан, ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2011 йил 28 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Ҳавзи Нав кўчаси ёқасида жойлашган, умумий майдони 1060,0 кв.м.дан иборат, бир қаватли «Шаби-Шабнам» тўйхона биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 388 963 832 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 15 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 13 август, соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон банк» Бухоро филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 223-71-30, www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.

UZTELECOM «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» абонентлари!

Тошкент шаҳрида шошилинч ва маълумот хизматларининг индекслари ўзгарганлиги муносабати билан «0» рақами билан бошланувчи «01», «02», «03», «04», «050» ва бошқа маълумотлар хизмати рақамлари фойдаланишдан тўхтатилди.

2013 йилнинг 15 июлидан бошлаб, шошилинч ва маълумотлар хизматларига боғлиқ учун «1» рақами билан бошланадиган, яъни: «101», «102», «103», «104», «1050» ва бошқа хизмат рақамларидан фойдаланишингиз мумкин. Хизматлар лицензияланган

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбек миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Обид Юнусовга рафиқаси Шаҳло ЮНУСОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси жамоаси академикнинг бошқарув аппарати Назорат гуруҳи раҳбари, иқтисод фанлари номзоди Ҳанифа Абдувалеевна САДРИДДИНОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия илҳор этади.

Газета ва газетхон: Телеканаллар учун махсус қурилма

ЮЗМА-ЮЗ




Яқинда фаолият бошлаган "Bolajon", "Ma'naviyat va ta'rifat" ҳамда "Dunyo bo'ylab" каналларини негадир биз кўролмаёلمиз. Суриштирсак, ҳозирча оддий антенналарда ушбу каналларни қабул қилиб бўлмас экан. Ҳўш, биз қачондан бошлаб янги каналлар кўрсатувларини томоша қила олишимиз мумкин?

И. ВОХИДОВ, Богдод тумани

Телеканаллар учун махсус қурилма

Ҳозирги кунда "Bolajon", "Ma'naviyat va ta'rifat" ҳамда "Dunyo bo'ylab" телеканаллари рақамли телевидение дастурлари пакети таркибида узатишмоқда. Уларни томоша қила олиш учун "Telecom Innovations" қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган FTA, HD ёки SD турдаги рақамли қабул қилиш қурилмалари(Set-top-box)ни харид қилиш лозим. Бундай қурилмаларни "Ўзбек-телеком" АКнинг "Ягона ойна" савдо марказларидан сотиб олиш мумкин.

М. МАҲМУДОВ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.



Бировнинг номидаги автомобиль билан ишончнома асосида йўналишсиз такси хизмати кўрсатиш мумкинми?

Б. БОЙДАДАЕВ, Сардоба тумани

Ижарадаги такси



Маълумки, жисмоний шахслар йўналишсиз такси фаолияти билан шуғулланиш учун ўз автотранспорт воситаларини ижара шартномаси асосида юридик корхонага топширадилар. Ана шу автоуловда ишлаш ҳуқуқи унинг эгасига ёки корхона раҳбари томонидан ҳар қандай ҳайдовчига берилиши мумкин. Лекин ижара шартномаси автотранспорт воситаси эгаси билан тузилади.

Ш. ШОВАҲОБОВ, Ўзбекистон автомобиль ва дерё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари.

Бахтсиз ҳодиса тўғрисида ноғирон бўлиб қолганман. Менга ТМЭК текширувдан кейин, мана, иккинчи марта бир йил муддатга иккинчи гуруҳ ноғирони сифатида нафақа тайинланди. Соғлигим ҳали у даражада тиклангани йўқ. Шифокорлар хулосаларида ҳам бу акс этган. Ҳар йил комиссия кўригига бориш менга бир оз қийинчилик туғдирапти. Бир йўла икки йил ёки ундан ортқ муддатга ноғиронлик нафақаси тайинласа бўлмайдами?

М. ЗИКРИЛЛАЕВ, Кармана тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сон қарори билан тасдиқланган "Фуқароларнинг тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом"нинг 34-бандига мувофиқ, органлар функциялари ҳамда организм тизимларининг қайта тикланиши, такрорий морфологик ўзгаришлари ва бузилишлари содир бўлганда, даволаш-

нинг ва ўтказилган реабилитация тадбирлари самарадорлигини, соғлиқнинг ҳолатини ҳамда ижтимоий мослашиш даражасини кузатиш мақсадида ноғиронларни такрорий қайта тиббий кўриқдан ўтказишлар ноғиронлик белгиланган вақтдан бошлаб олти ойда, бир ёки икки йилда бир марта амалга оширилади.



Автомобиль ва мобилъ алоқа

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 ноябрдаги 241-сонли қарорига асосан, ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш чоғида телефондан, "Bluetooth" мосламаларидан фойдаланиш ҳақида қўйилган талаблар қўйилган.

Х. САЙДАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи.

Меҳнат таътилини қачон узайтириш мумкин?

Давлат корхонасида ишлайман. Меҳнат таътилига чиққан вақтимда тобим қочиб, икки-уч ҳафта касалхонада даволандим. Айтинг-чи, ана шу ҳолат эътиборга олиниб, таътил кунларим қўзиб берилладими?

М. ФАЁЗОВА, Яқобод тумани

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 145-моддасига асосан, ходимлар куйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эгадирлар: вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида; хомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда; йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;

давлат ёки жамоат вазифаларини бажарётганда, башарти қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса. Агар таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги

келишувга биноан, таътилдан фойдаланишнинг янги муддати белгиланади. Бундай сабаблар таътил даврида келиб чиққан ҳолларда эса таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади ёки ходим билан иш берувчининг келишувига кўра таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади. Ходим таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт. Агар ходим белгиланган муддатда таътилни бошлашни вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаган ёки унга таъ-



У. ГАЗИЕВ, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг юридик бўлими мудири.

Ҳаракатланиш жадвалига амал қилинади



Баъзан кечки соат 21 - 22 лар атрофида шохбекатларга борсак, бекат ходимлари "Охириги автобус жўнаб кетди, энди кутиб ўтирманг" дейишадди. Айтинг-чи, пойтахтимиздаги автобус ва трамвайлар қайси соатга-ча хизмат кўрсатади? Ф. ЖўРАЕВ, Чўчена тумани

Пойтахтимизнинг автобус ва трамвай йўналишлари куйидагича хизмат кўрсатади: автобус йўналиши бўйича: шаҳар ўртасидан шаҳарнинг чекка мавзелари томон охириги автобуснинг режа бўйича ҳаракатланиш вақти соат 21:30 дан 22:38 гача (масалан, "Тошкент МУМ", "Истиқлол кўчаси", "Бешёғоч майдони", "Гўлобод (М. Уйғур) кўчаси" ва "Тошкент вокзали" шохбекатларидан);

трамвай йўналиши бўйича: "Оқтепа майдони" шохбекатидан 8-йўналиш бўйича охириги трамвай вағони режа бўйича соат 22:01 да Бешқайрағоч мавзесига жўнаб кетади; "Тошкент вокзали" трамвай шохбекатидан режа бўйича соат 21:19 дан 22:30 гача охириги трамвай вағони пойтахтимизнинг чекка мавзелари томон йўл олади.

З. АБРОРОВ, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раиси ўринбосари.

Республикамизнинг айрим ҳудудларида тажриба тарикасида банан етиштирилгани эшитгандик. Бизнинг ҳудудимизда ҳам ана шундай цитрус меваларини ўстирсак бўладими? Бундай дарахтлар парвариши учун қандай шароит керак? Унинг кўчатини қаердан олса бўлади?

Цитрус мевалар етиштирмоқчиман

Банан иқлими тропик ва субтропик минтақали мамлакатларда ўсадиган цитрус мевали ўсимлик тури ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ўсимлик ва ҳайвонот олами генфонди институти иссиқхонасида шундай ўсимлик ўстирилган (эстетик мақсадлар учун) бўлиб, у ҳосил берганлиги ҳақида маълумотлар бор. Лекин меваси майдароқ. Бундан ташқари, айрим хона-

донларда ҳам иссиқхона шароитида банан парваришланапти. Бизнинг тавсиямиз, ушбу ўсимлик кўчатини ўсимлик ва ҳайвонот олами генфонди институтидан олиш ва фақат мутахассислар маслаҳатига кўра ўстириш мақсадга мувофиқдир.

К. СОДИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари.

Тиббий кўрик ва хулоса

Органлар функциялари ҳамда организм тизимларининг барқарор, қайта тикланишига морфологик ўзгаришлари ва бузилишлари содир бўлганда, амалга оширилган реабилитация тадбирларининг самарадорлигини кузатиш мақсадида қайта тиббий кўриқдан ўтказишлар ноғиронлик белгиланган вақтдан бошлаб олти ойда, бир ёки икки йилда бир марта амалга оширилади.

ланган тартибда тасдиқланган касалликлар ва анатомик нуқсонлар рўйхатида мувофиқ муддатсиз белгиланади.

М. ЗИЯДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари.



Авиачиптанинг муддати ўтиб кетса...



"Тошкент - Нукус" йўналиши бўйича чипта олгандим. Лекин айрим сабабларга кўра, сафаримни кечиктиришга мажбур бўлдим. Табиийки, чиптанинг вақти ҳам ўтиб кетди. Уни янгисига алмаштириб беришадими ёки?..

К. БЕКБАУЛИЕВ, Нукус шаҳри

Йўловчи учининг авиачиптада кўрсатилган дастлабки санасини мазкур чипта маҳаллий йўналишдаги парвозлар учун расмийлаштирилган ва амалда бўлган ҳолатдагина ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз кейинроққа суриш ҳуқуқига эга. Агар авиачиптадан тўлиқ фойдаланилмаган бўлса, унинг амал қилиш муддати расмийлаштирилган санадан бошлаб бир йилни ташкил қилади. "Бориш ва қайтиш" йўналиши бўйича расмийлаштирилиб, қисман фойдаланилган тақдирда эса, чиптанинг амал қилиш муддати биринчи учини санадан эътиборан бир йилни ташкил этади. Авиачиптани қайтариб топшириш ҳам шу муддат ичида амалга оширилиши мумкин.

Ф. КУРБАНОВА, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконкомпанияси Ахборот хизмати бошлиғи.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — Ф. Шералиев. Мусахҳиҳ — С. Исломов.

Таҳриратта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳрират жавобгар эмас. Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5

Халқ сўзи Народное слово МУАССИЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 125 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Яна саволларингиз борми, муҳтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!